

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳукукида
УДК: 657

АЗИЗОВ НОДИР СУЛТАНОВИЧ

**«КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТ СОТИШ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»**

5A340901-«Бухгалтерия ҳисоби» мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доцент
_____ И.Очилов

ТОШКЕНТ-2016

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-БОБ. Корхоналарда маҳсулот сотиш ҳисобининг назарий-меъёрий асослари.....

1.1. Сотиш муомалалари ҳисобининг мақсад ва вазифалари.....

1.2. Сотиш муомалалари ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....

II-БОБ Корхоналарда маҳсулот сотиш ҳисобини ташкил қилишнинг амалдаги ҳолати

2.1. Сотиш муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисоби.....

2.2. Маҳсулот ва хизматлар сотиш жараёнининг ҳисобини юритиш.....

2.3. Молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобини юритишнинг амалий ҳолати.....

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мустақил республикамызда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг яратилиши бошқа муҳим хўжалик тадбирлари билан бир қаторда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда туб ўзгаришлар бўлишини кўзда тутди. Республикамызнинг турли халқаро ташкилотларга фаол қатнашиши ҳамда чет эллик шериклар билан ҳамкорликда иш юритиш, ҳисобнинг такомиллашган жаҳон андозалари даражасида ташкил қилинишининг зарурияти юзага келди. Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бозор мунсабатига ўтиш билан узвий алоқада амалга оширилмоқда. Масаланинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда Ўзбекистонда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилиши ҳисобнинг умумжаҳон томонидан қабул қилинган андозалар даражасида бўлишини тақозо қилади. Корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилишининг ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил қилиниши, ҳамда уни такомиллаштиришнинг зарурияти шундан иборатки, бу жараёнларнинг пировард натижасида корхонанинг молиявий натижалари шаклланади, бевосита корхона фаолияти натижавийлигига баҳо берилади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013-йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил етилгани муҳим

аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди”¹

Ушбу вазифаларни бажаришда иқтисодиётимизнинг барқарорлигини таъминлашда олиб борилаётган ҳисоб сиёсати ва сотиш муомалари ҳисобини юритиш, аудит қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот сотиш ҳисоби ва уни такомиллаштириш” мавзусининг ҳозирги даврда долзарб мавзу эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари корхоналарда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотилиш жараёнларини такомиллаштириш имкониятлари устида изланишлар олиб борилиши лозим. Чунки республикаимизда бу жараёнларда муаммолар юзага келмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маҳсулот сотиш ҳисоби ва уни такомиллаштириш бўйича республикаимиз ва хорижлик олимларининг ишларида кенг ўрин олган. Жумладан: Абдуллаев Ё.А., Абдукаримов Б.А., Алиқулов А.И., Ваҳобов А.В., Дустмуратов Р., Жўраев А.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Зайналов Ж.Р., Илҳомов Ш.И., Имомов Ҳ.Ҳ., Маматов З.Т., Мусаев Ҳ.Н., Пардаев М.Қ., Тўлаходжаева М.М, Уразов К.Б., Файзиев Ш.Н., Хўжаев Э.Н., Ғозибеков Д.Ғ., Аренс А., Лоббек Д.Ж., Андреев В.Д. ва бошқалар ўзларининг монографиялари, дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва илмий мақолаларида инвестицияга оид масалалар ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маҳсулот сотиш ҳисоби ва уни такомиллаштириш юзасидан

¹ И.А.Каримов. “2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Т.: «Ўзбекистон» 2014 й. Б.6.

илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- сотиш муомалалари ҳисобининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- сотиш муомалалари ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгилаш;
- сотиш муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш;
- маҳсулот ва хизматлар сотиш жараёнининг ҳисобини юритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида маҳсулотлар сотиш ҳисобини такомиллаштириш;
- сотиш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқотнинг предмети иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маҳсулот сотиш ҳисоби ва уни такомиллаштиришга оид муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот объекти сифатида республикамізда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Диссертациянинг назарий ва услубий асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Республикаміз Президентининг фармонлари, асарлари ва кўрсатмалари ҳисобланади. Бундан ташқари илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитасининг низом ва йўриқномалари, шунингдек, мамлакатимиз етакчи олимлари ва мутахассисларининг ушбу муаммога оид илмий-тадқиқот натижалари ҳисобланади. Бундан ташқари тадқиқот жараёнида ривожланган хориж мамлакатлари корхоналарида маҳсулот сотиш ҳисоби ва уни такомиллаштиришга тажрибалари ўрганилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- сотиш муомалалари ҳисобининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- сотиш муомалалари ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини белгилаш бўйича тавсиялар берилди;
- сотиш муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисобини ташкил қилиш бўйича илмий ва амалий таклифлар берилди;
- маҳсулот ва хизматлар сотиш жараёнининг ҳисобини юритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди;
- иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида маҳсулотлар сотиш ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилди;
- сотиш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш йўллари бўйича таклифлар ишлб чиқилди.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хулосалар ва тавсиялар, корхоналарда бухгалтерия ҳисобни иқтисодиётни модернизациялаш талаблари асосида ташкил қилишга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан корхоналарда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида маҳсулот сотиш ҳисоби ва уни такомиллаштириш борасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишини синаш ва қўллаш. Диссертация иши юзасидан 2015 йил 14 декабрда Тошкент молия институтидаги “Рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика олий ўқув юртлараро илмий-амалий анжуманида “**Акциядорлик жамиятларнинг бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш**” номли мақолам чоп этилди;

Диссертация иши юзасидан 2015 йил 29 майда Тошкент молия институтидаги “Хорижий инвестицияларни жалб этишда банкларнинг

роли” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида “Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобни шакллантириш” номли мақолам чоп этилди.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибига кўра кириш, 3та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I-БОБ. Корхоналарда сотиш муомалалари ҳисобининг назарий асослари

1.1. Сотиш муомалалари ҳисобининг мақсад ва вазифалари

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида мамлакат ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект кўпроқ миқдорда фойда олиш мақсадида ўз ички имкониятларидан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Аммо ҳозирги шароитда республикада мавжуд товар ишлаб чиқарувчи субъектлар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида уни фақат воситачи ташкилотларга етказиб бериш билан чекланмоқда. Бу ҳақда Президент И.Каримов шундай дейди:

“... бугунги кунда корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бир неча босқичдан ўтиб, истеъмолчиларга қимматроқ нархда етиб бормоқда. Бундан ташқари, кўпгина корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида унинг сифат кўрсаткичларига эмас, балки фақат миқдорий томонларига эътибор бермоқдалар. Бу эса бозорда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сотиш жараёнига, охир-оқибатда, уларнинг молиявий натижасига салбий таъсир этмоқда.”²

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар бозорда сотиш учун ишлаб чиқарилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчилар олдида бозорни чуқур ўрганиш, маркетинг стратегиясини тўғри белгилаши лозим. Бунда асосий эътибор қуйидаги учта асосий муаммога қаратилиши лозим:

1. Нима ишлаб чиқарилиши зарур, яъни ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлиги сабабли, бир-бирини ўзаро инкор қилувчи товарлар ва хизматлардан қайсиси ва қанча миқдорда ишлаб чиқарилиши кутилади?

2. Товар ва хизматлар қандай ишлаб чиқарилади, яъни жамият

²Манбаси: Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь

ихтиёридаги мавжуд ресурслардан қандай технологиядан
фойдаланиш кўзда тутилади?

3. Ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ким учун
мўлжалланган, яъни яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг тақсимланиши
қандай тартибларда амалга оширилади?

Ўз-ўзича бу учта марказий саволлар - «Нима?», «қандай?» ва «Ким
учун?» бозор муносабатлари шароитида долзарб ҳисобланади. Айниқса,
бозор иқтисодиётини барпо этиш сари дадил илдамлаб бораётган
республикамизда бу ҳар бир корхона, ҳар бир фирма олдида турган
марказий муаммолар сифатида қабул қилинади. Бу муаммоларни ҳал
қилишда корхонанинг бутун ходимлари, шу жумладан бухгалтерлар ҳам
муҳим ўрин тутди. Бухгалтерия бўлими корхонада қанча миқдорда
маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлигини, уни қайси бозорда сотиш
мумкинлиги хусусида қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мустақилликка эришилган вақтдан бошлаб республикамиз ҳаётида
тубдан ўзгаришлар қилиниб, ислохотлар амалга оширилмоқда. Барча
соҳаларда бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам муҳим
ислохотлар ўтказилиб, уни босқичма-босқич халқаро андозаларга
мослаштирмоқда.

Хўжалик юритувчи субъект ҳам ўзини рақобатбардош корхонага
айланишида ёрдам берадиган ва зарур молиявий натижаларга эришишида
кўл келадиган бошқарув қарорларини излаш ва қабул қилишга мажбур
бўлади. Шу мақсадда корхона бозор конъюнктурасини ўрганади, ўз
фаолиятини мустақил режалаштиради ва бошқалар. Бу мақсадларга
эришиш учун кўпдан-кўп манфаатдор томонлар билан иқтисодий алоқага
киришади. Бу жараёнда бухгалтерия ҳисоби манфаатдор томонлар учун
ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида таёр маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларнинг
сотилиши ва молиявий натижаларни шакллантиришни ҳисобга олиш
борасида республикамизда бир қанча меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда.

Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинишини эслаб ўтиш лозим.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун бухгалтерия ҳисобини юритиш андозаларига нисбатан янги, бозор муносабатларига тўғри келадиган талабларни қарор топтиришни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий тамойилларни кўзда тутди.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулот, уни ортиб жўнатиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- тайёр маҳсулот ҳаракати билан боғлиқ ҳамма хўжалик операцияларини ҳисобда ўз вақтида ва тўғри акс эттириш, омбордаги маҳсулотнинг белгиланган захира ва меъёрларига риоя қилиш ҳамда сақланиши устидан назорат олиб бориш;

- омбордаги захираларнинг ҳолатини ва бутлигини сақлаш;

- иш ва хизматларнинг бажарилиш ҳажми, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича узлуксиз назорат ўрнатиш, ортиб жўнатилган ва юборилган маҳсулотлар (иш, хизмат) бўйича ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш, харидорлар билан ҳисоб-китобларни аниқ ташкил қилиш.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлашига, омбор хўжалиги ва маҳсулот сотишни тўғри ташкил қилишга, хўжалик операцияларининг ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштирилишига боғлиқдир.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМСга мувофиқ тайёр маҳсулот хўжалик юритувчи субъектларида бўлган активлар ҳисобланади ва улар хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот, товарлар сифатида корхонанинг товар-моддий захиралари таркибига киради.³

³ Манбаси: «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМС. 5,3-банд.

Корхонада маҳсулот (иш, хизмат)ни сотиш ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма хўжалик операцияларини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- маҳсулот (иш, хизмат) сотишда шартномалар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;
- сотилган маҳсулотнинг ассортимент ва ҳажми бўйича ҳамда сотиш режасининг бажарилишини назорат қилиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ўз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиш;
- сотилган маҳсулот учун олинган тушумни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, фойда суммасини тўғри аниқлаш ва бошқалар.
- корхоналар маҳсулот (иш, хизмат)ларини сотганларидан сўнг шу фаолият натижаси, яъни молиявий натижаларини аниқлашлари ва бунини атрофлича таҳлил қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши таҳлил тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш натижасида тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни таҳлил қилишни ҳам такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Маҳсулот сотиш орқали қилинган харажатлар қопланади ва корхона фойда олишга эришади.

Сотиш ҳажми ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги босқичидир. Маҳсулот сотишдан келган тушум орқали корхона биринчи галдаги тўловларни амалга оширади. Солиқ бўйича тўловлар мол етказиб берувчилар, ишчи хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни бажаради. Демак, корхонанинг молиявий ҳолати, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва уни ҳолати, молиявий натижаларни сотиш ҳажми бўйича режанинг бажарилиши ва унинг динамикасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Сотиш жараёнининг тезлашиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва таъминот жарёнларини ҳам тезлашишига таъсир этади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиради.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги ишлаб, чиқарилаётган маҳсулоти бозорда рақобатдошлигидан, унинг ички ва ташқи бозорда талабидан, реализация ҳажмига боғлиқдир.

Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни сотиш аҳолини эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг якунловчи босқичи ҳисобланади. Маҳсулотни режадаги ҳажми бўйича сотиш ташкилотга ишлаб чиқариш харажатларини, қоплаш, давлат бюджети, кредит бўйича банклар ва бошқа ҳўжалик субъектлар олдидаги мажбуриятларни бажариш имкониятини яратади, ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва келажакда ривожланиш учун муҳим бўлган фойда олишга ёрдам қилади.

Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган муомалларининг манбалари:

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотилишини ҳисобга олишга доир қонунчилик;
- тайёр маҳсулотни режалаштириш ва таёрлаш бўйича корхонадаги ҳужжатлар;
- маҳсулот ишлаб чиқариш, жўнатиш ва сотилишига доир дастлабки ҳужжатлар ва шартномалар;
- 4010, 2810, 9010, 9110 счётлар ва бошқа счётлардаги маълумотлар;
- 10,11 - сонли журнал - ордер, 16 - сонли қайднома маълумотлари;
- 2-сонли “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”даги маълумотлар.

1.2. Сотиш муомалалари ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Корхоналарида тайёр маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ муаммолар ҳисобининг услубий асослари, маҳсулот (иш, хизмат)лар сотилиши билан боғлиқ бўлган муомалаларни корхонанинг

якуний молиявий натижасига таъсири, молиявий ҳисобни соддалаштирилган шаклда юритиш йўллари аниқлаш ва уларни миллий ва халқаро тажрибалар асосида бозор иқтисодиётига мослаштириш ҳисобланади. Тайёр маҳсулот – хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш жараёнинг пировард маҳсулотидир. Ушбу субъектда ишлови батамом ниҳоясига етган турли стандартлар ва техникавий шартлар талабига жавоб берадиган, техник назорат бўлими қабул қилиб олган ҳамда тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот тайёр маҳсулот дейилади. Тайёр маҳсулот - корхонадаги барча ишлов операсияларидан ўтиб бўлган, тайёр ҳолга келтирилган белгиланган давлат стандарти ва техникавий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳамда техника назорати бўлими томонидан қабул қилиб олинган ёки буюртмачиларга топширилган маҳсулотга айтилади. Унинг таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш, хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар киради.

Тайёр маҳсулотлар, иш ва хизматлар субъектнинг маблағлари қаторида ҳисоблангани учун ушбу жараён хўжалик фаолиятининг якуний босқичи ҳисобланади ва хўжаликка тегишли маблағларнинг доиравий айланишини таъминлайди. Ушбу жараён натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқилади, улар, ишлар, хизматлар истеъмолчиларига етказиб берилади ва субъектга пул маблағлари шаклида ёки алмашув натижасида бошқа моддий ресурслар келиб тушади. Натижада давлат олдидаги бюджетга тўланадиган солиқ мажбуриятлари, бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, мол етказиб берувчиларга, банкларга, ишчи ва хизматчиларга ва бошқа субъектларга бўлган қарз мажбуриятлари ўз вақтида тўлаш имкониятини яратадилар. Тайёр маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича белгиланган режаларни бажармаслик эса салбий оқибатларга олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектнинг маблағларининг доиравий айланишини секинлаштиради,

истеъмолчиларни олдида мажбуриятларни бажармаслик натижасида жарималар тўлашга олиб келади, бошқа тўловларни (солик, ажратмалар, меҳнат ҳақи ва бошқалар) ўз вақтида тўлай олмасликка, умуман олганда субъектнинг молиявий ҳолатининг пасайишига олиб келади.

Тайёр маҳсулот бухгалтерия ҳисобида маҳсулотнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи, режа ишлаб чиқариш таннархи, сотишдаги улгуржи нархлар, эркин сотиш нархлари ва тарифлари, эркин бозор нархларида баҳоланиши мумкин. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, тайёр маҳсулот корхонанинг айланма маблағлари таркибига киради ва шу боисдан амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги стандартларга (БҲМС) биноан, ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича балансда акс эттирилади. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш ва аҳолининг еҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг якунловчи босқичи ҳисобланади. Корхона маҳсулотни истеъмолчилар билан тузилган шартномалар режа топшириқлари асосида бозор талабларини ўрганиш каби масалаларга катта эътибор берган ҳолда сотади. Саноат маҳсулоти натура ва қиймат кўрсаткичида ҳисобга олинади. Натура кўрсаткичлари маҳсулотни уларнинг табиий хусусиятларига қараб миқдори, сони ва оғирлигини тавсифлаб беради, бу кўрсаткичлардан тайёр маҳсулотни миқдорий жиҳатдан ҳисобга олиш учун фойдаланилади. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат) натура кўрсаткичларининг пулдаги ифодаси унинг қиймат кўрсаткичини ифодалайди.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулот, уни ортиб жўнатиш ҳисобининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма хўжалик операсияларни ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишда шартномалар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

- сотилган маҳсулотнинг ассортименти ва ҳажми бўйича ҳамда сотиш режасининг бажарилишини назорат қилиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ўз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиш;
- сотилган маҳсулот учун олинган тушумни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, фойда суммасини тўғри аниқлаш ва бошқалар.

Тайёр маҳсулот, товарлар сифатида корхонанинг товар-моддий захиралари таркибига киради. Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш шу маҳсулотнинг ишлаб чиқаришидан олинishi, унинг ҳаракати, сотилиши ва харидорлар билан олиб бориладиган ҳисоб - китобларни акс эттиради. Омбордаги маҳсулот деганда, ишлаб чиқаришнинг барча ишлов операсияларидан ўтиб техника назорати бўлими томонидан омборга бенуксон деб қабул қилинган ва асосан сотишга мўлжалланган товар маҳсулоти тушунилади.

Жўнатилган мол (товар)лар деб , харидорларга ёки истеъмолчиларга жўнатилган лекин унинг учун ҳали харидорлар томонидан пули тўланмаган ҳолдаги маҳсулотларга айтилади. Масъул сақлашга қабул қилинган мол (товар)лар деб, харидорларга жўнатилган товар маҳсулот ҳар хил сабабларга кўра (сифатига кўра харидорнинг талабини қондирмайдиган, харидорларга адашиб бориб олган, яъни бир корхонанинг ўрнига иккинчи корхонага шартномадан ташқари бориб олган товарлар ва шу кабилар) сотиб олиш учун қабул қилинмай қолган бўлиши мумкин. Бундай маҳсулотни тегишли корхоналар ўз жавобгарлигига қабул қилиб олиб, даҳрол бу молларни юборувчи корхонага хабар қиладилар. Шунинг учун бундай моллар масъул сақлашга қабул қилинган моллар деб юритилади. Бунга қўшимча равишда кўргазмада қўйилган тайёр маҳсулотни ҳам киритишимиз мумкин. Чунки кўргазмада қўйилган маҳсулот ҳам корхонада ишлаб чиқарилган ва сотилиши керак бўлган маҳсулотлардир.

Тайёр маҳсулотни баҳолаш ва унинг номенклатураси. Маҳсулот


(иш,хизмат)лар одатда маълум бир қийматда баҳоланади ва сотилади. Баҳо-қийматнинг пулдаги ифодасидир. Унинг асосини у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий зарурий меҳнат ташкил қилади.

Ҳозирги кунда дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатда бухгалтерия ҳисоби ягона ёндошув асосида юритилмоқда, аммо ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда унинг иқтисодиёти, мулкчилик тизими ва хўжалик юритиш тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мана шу хусусиятларни назарда тутувчи миллий андозаларни қабул қилиш орқали ҳисобга олинади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисобини юритишда услубий асос сифатида қуйидаги БҲМСлар қўлланилиши мумкин (1-чизма). Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чақиради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишига ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Тадқиқот жараёнида товар-моддий захираларнинг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, сотиб олиниши ёки ишлаб чиқарилиши, баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибларига эътибор бериш лозим.

Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотиш қийматини белгилашда “Товар – моддий захиралари” номли 4-сон БҲМСдан фойдаланилади. 4-сон БҲМСнинг 7-бандига биноан тайёр маҳсулотлар энг кам баҳода баҳоланиши керак: таннархда ёки соф сотиш қийматида. Ҳисобот даври охирида маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мумкин. Лекин маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳар куни содир бўлади, шу сабабдан жорий ҳисобда маҳсулотни шартли баҳода баҳолаш керак.



1-чизма. Маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисобини юритиш.⁴

Тайёр маҳсулотларнинг оператив ҳисоби ишлаб чиқариш режа таннархида ёки шартнома баҳосида ёхуд чакана баҳода юритилади. Ушбу стандартда маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши тартиби қуйидагича баён қилинган:

Материаллар ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа хом-ашё, агар улардан тайёрланган маҳсулот бозор (кундалик) нархида сотилса, қийматидан паст нархда арзонлаштирилмайди. Бироқ агар омборда мавжуд бўлган нархдаги материалдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи сотиш соф қийматидан ошиб кетса, материаллар сотиш соф қийматигача

⁴ Манбаси: Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

арзонлаштирилади. Бундай вазиятларда материаллар қийматини ўлчашнинг мавжуд шаклларидаги энг яхшиси бўлиши мумкин. Сотишнинг соф қиймати-ишлаб чиқаришни тугаллаш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган бутлаш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда ТМЗни сотишнинг ҳисоб-китоб нархидир. Демак, мазкур БХМСдаги баҳолашга мувофиқ, агар корхонада ишлаб чиқарган маҳсулотнинг таннархи маҳсулотни сотиш режасидан ошиб кетса, корхона ўзининг маҳсулотини сотиш соф қийматигача арзонлаштириши мумкин. Лекин Захирани сотиш нархи арзонлашганда, захираларга зарар етганда, захиралар тўла ёки қисман эскирганда тайёр маҳсулот сотишнинг соф қийматидан арзон баҳоланиши мумкин. Корхоналарда маҳсулотни режа ва ҳақиқий таннархини ҳисобот даври якунида тартибга солиш керак ҳақиқий таннарх ҳисобот даври охирида аниқланади. Режа таннарх еса олдиндан белгиланади. Ҳисобот даври охирида ҳақиқий таннарх режа таннархидан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Тайёр маҳсулотлар қайси ҳисобварақларда ҳисобга олинган бўлса, оғишишлар ҳам шу ҳисобвараларда аниқланган бўлса – қизил сторно усулида, ортиқча харажат бўлса – оддий сиёҳда акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотни омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоби. Корхоналарда тайёр маҳсулот ҳисоби вазифаларини аниқ ташкил қилиш мақсадида улар омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиб борилади. Пировард, истеъмолга яроқли бўлган маҳсулот техник назорат бўлими томонларидан текширилганидан сўнг омборга топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга қабул қилишда топшириш накладнойи ёки маҳсулот топшириш ведомостида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, маҳсулотнинг номенклатура рақами, унинг сони, режа таннархи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси кўрсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия маҳсулот топшириш ведомостини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Омборларда маҳсулот ҳаракатининг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби варақларда юритилади. Варақага ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида маҳсулот ҳаракати билан боғлиқ операсиялар ёзиб борилади. Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усулида ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоб карточкаси очилади (№ М-17).тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши ва четга борилиши билан омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш накладной, буйруқ-накладной, товар-транспорт).

Омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкасига бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги сонига таянган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тўлдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади.

Маҳсулот кирими ва чиқими билан боғлиқ муомалалар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варақларига ёзилганидан кейин бухгалтерияга топширилади. Бу ерда ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул шаклида ифодаланган ҳисоби омбор ҳисоби маълумотлари асосида бухгалтерияда юритилади.

Тайёр маҳсулот ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил қилиш корхона томонидан ишлаб чиқилган буюм турлари номининг рўйхати – номенклатурасидан фойдаланиш катта аҳамиятга ега. Уни тузиш асосида тайёр маҳсулотни туркумлаш, яъни, ушбу корхонада ишлаб чиқиладиган бир маҳсулот турини бошқа маҳсулотлардан ажратиб турувчи маълум белгилари ётади. Номенклатура рўйхатини тузишда асос қилиб қуйидаги

белгилар олинади: модел, фасон, артикул, марка ва ҳоказо. Ҳар бир маҳсулот турига номенклатура рақами бириктирилади, у турли сонлардан иборат бўлади.

Маҳсулот номенклатурасидан (рўйхатдан) корхонанинг қуйидаги хизматларидан фойдаланилади:

- диспетчерлик хизмат тури маҳсулот ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат қилади;
- цехлар ишлаб чиқилган маҳсулот ассортиментини қилишда, омборга тайёр маҳсулотни сотишда юк хати ёзиш учун фойдаланилади;
- маркетинг бўлими-жўнатиш бўлими шартномаларини бажариш имкониятини назорат қилиш учун;
- бухгалтерия –тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисобини юритишда умумий маълумотлар ва ҳисоботлар тузиш учун фойдаланилади.


Ҳисоб-китобнинг журнал – ордер шаклида тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисоби 16-қайдномада юритилади. Бу қайднома тўртта бўлимдан иборат бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

1-бўлим “Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати ” деб номланади ва унда маҳсулотнинг ҳисобот оyi бошланишига қолдиғи, омборга қабул қилингани харидорларга жўнатиш ва ҳисобот оyi охирига қолдиғи ҳисобида қабул қилинган баҳо ҳамда ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

2-бўлим “Жўнатиш ва сотилган маҳсулотлар” деб номланиб, унда жўнатиш маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби харидор корхоналар номига ёзилган ҳар бир тўлов талабномаси бўйича алоҳида юритилади.

3-бўлим “Тўланган ва тўланмаган счёtlар ҳақида умумий маълумотлар” деб номланиб, унда жўнатиш ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида умумий маълумотлар кўрсатилади.

4-бўлимда солиқ бўйича солиқ идоралари билан ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.



2-чизма. Пул маблағларининг айланиши⁵

Ҳисобот даври охирида 16-қайдноманинг ойлик жами суммаси 11-журнал ордерга кўчирилади. Бу журнал-ордер икки бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимида тайёр маҳсулот, реализация билан боғлиқ харажатлар ҳисобварағи, жўнатилган товарлар, сотиш, харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар келтирилади. Иккинчи бўлимда маҳсулот сотиш бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари келтирилади. 16-қайднома ва 11-журнал-ордер асосида тузиладиган товарни сотиш ҳақидаги ҳисоботда қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилади: сотилган маҳсулотнинг режа таннари, режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ, сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобварағи, солиқ, сотишдан олинган тушум ва охириги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар суммаси.

Тайёр маҳсулотни жўнатишни ҳисобга олиш. Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корхоналар билан тузилган шартнома ва жўнатиш графигига мувофиқ амалга оширилади. Сотиш режасини бажаришда харидорларга жўнатилган маҳсулот ҳисобини тўғри ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Буни маҳсулот ортиб жўнатишдан

⁵ Манбаси: иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

тортиб то унинг учун харидорлардан пул келиб тушгунича бўлган Товар маҳсулотининг ҳаракатини доимий равишда кузатиб туриш керак. Бундай назорат ҳар бир дастлабки ҳужжат билан жўнатилган маҳсулот бўйича алоҳида юритилиб, шу маҳсулотнинг қачон ва кимга жўнатилганлиги, унинг йўлдаги ҳаракатига қанча вақт кетиши кераклиги ва ҳақиқатда қанча вақт кетганлиги, қандай харидорлар маҳсулотни қачон қабул қилиб олганликлари ва қачон пулини тўлаш кераклиги, қандай харидорлар уларга жўнатилган молар учун пул тўламаган ва нима учун тўланмаганлигини, ҳуллас, йўлдаги барча товар маҳсулотнинг тақдирига доир масалалар ҳақида хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштириштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотга счёт, тўлов талабномаси ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.

Тўлов-талабнома. Мол етказиб берувчининг счёт фактурасига мос равишда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоб-китоб счётидан пулни ўтказиб бериш тўғрисида банкка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси, сони, ассортиментни қайд қилинади (бу ҳолатда счёт-фактура, албатта, тўлов талабномасига илова қилиниши керак) .

Счёт-фактура ёки тўлов талабномасининг алоҳида бўлмасида тара ва қадолаш қиймати ҳамда харидор томонидан тўланадиган темир йўл бўйича тариф суммаси кўрсатилади. Баъзида харидор томонидан тўланиши лозим бўлган темир йўл тарифи бўйича суммага умумий маҳсулотнинг сотиш баҳоси қўшиб кўрсатилиши мумкин. Қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида бўлимда кўрсатилади. Мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида тузилаётган шартнома вақтида франко-жой тўғрисида тўхталиб ўтиладики, бунда маҳсулотни ортиб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни мол етказиб берувчи ўз зиммасига олади. Франко-жойнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Франко-омбор мол етказиб берувчи. Бунда маҳсулот ортиб жўнатиш

билан боғлиқ харажатларни мол етказиб берувчи корхона тўлов-талабномасига қўшади (омбордаги ортиб тушуриш ишларининг қиймати темир йўл тарифи ва етказиб бериш харажатлари). Франко-стансия жўнатиш шундай нархки, у мол етказиб берувчи тўлов талабномасининг суммаси, темир йўл тарифи ва маҳсулотни вагонга ортиш харажатлари йиғиндисидан иборат. Белгиланган стансиягача франко-вагон шундай нархки, бунда мол етказиб берувчи тўлов талабномасига фақат темир йўл тариф суммасини қўшади.

Қуйидаги жадвалда сотиш муомалари ҳисобини юритиш бўйича меъёрий хужжатлар келтирилган.

1 -жадвал

Сотиш муомаларин ҳисобини юритиш бўйича меъёрий хужжатлар⁶

1	«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун. (1996 й. 30-август).
2	«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2000-2007 йиллар)
3	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган,Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган АФМС лар
4	«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги» Низом (1999 й. 5-феврал №54, 2003 йил. 15-октябр. №444).
5	“ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси”.
6	“Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси”.
7	“Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш тўғрисида йўриқнома” Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби 21-сонли миллий стандарти (БХМС).
8	Ўзбекистон Республикасининг бошқа БХМСлари
9	4010, 2810, 9010, 9110 счётлар ва бошқа счётлардаги маълумотлар;

Белгиланган стансиягача франко. Бунда жўнатиш бўйича барча харажатлар темир йўл тарифи қўшилган ҳолда мол йетказиб берувчи томонидан тўланади. Нархнинг франко омбор харидор турида мол етказиб берувчи кўрсатилган харажатлардан ташқари харидорнинг стансиядаги

⁶ Бухгалтерия ҳисобининг меъёрий хужжатлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ортиб тушириш ишлари, унинг омбордаги ва омборга етказиб бериш ишлари бўйича харажатларни тўлиқ қоплайди. Бизнинг республикамызда энг кэнг тарқалган тури франко стансия жўнатиш ҳисобланади.

Хўжалик шартномаси – бу корхоналарнинг хўжалик муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги ўзаро келишуви. Шартнома томонлар мажбурияти ва ҳуқуқларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Юз берган шароитни ҳисобга олиб вақти-вақти билан шартнома шартлари кўриб чиқилиши ва уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Агар корхона белгиланган номенклатурадаги маҳсулотни жўнатиш юзасидан шартнома шартларини бузса, у ҳолда ушбу корхонага нисбатан жазо чоралари кўрилади. Демак, шартнома билан расмийлаштирилган ҳар бир режали буюртма корхона ходимлари бажариши шарт бўлган қонундир. Бундай тартиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори иш унумдорлигига еришишни таъминлайди. Белгиланган муддатда маҳсулот сотиш режасининг бажарилмагани учун жарима тўлаш чораси қўлланилади. Жарима миқдори маҳсулот сотиш шартларига қараб аниқланади.

Маҳсулотлар харидорларга жўнатишганда жўнатишган товар қийматига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9110- “Сотилган маҳсулотнинг таннари”

К-т 2810-“Омбордаги тайёр маҳсулот”.

Жўнатишган товарларнинг аналитик ҳисоби ўз вақтида банк инкассасига берилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича, тўлаш муддати етган ва тўлаш муддати етмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича алоҳида ҳамда тўлашга қабул қилинмаган, масъул шахсда бўлган жўнатишган товарлар алоҳида ҳисобга олинади.

II-БОБ. КОРХОНАЛАРДА СОТИШ МУОМАЛАЛАРИ ҲИСОБИНИНГ СИНТЕТИК ВА АНАЛИТИК ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

2.1. Сотиш муомалаларининг аналитик ва синтетик ҳисоби

Маҳсулотнинг сотилиши корхона маблағлари айланишининг якунловчи жараёнидир. Бу жараён корхона томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотнинг халқ хўжалиги истеъмолида ўз ўрнини топганлигини англатади. Ҳозирги пайтда корхона ишини баҳолашда маҳсулот сотилиши асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Халқаро ҳисобда маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинadиган тушумни белгилашнинг икки усули мавжуд:

1. Касса усули-бунда сотувдан олинган тушум, юклаб жўнатиш маҳсулот учун ҳақ сифатида пул келиб тушишига қараб эътироф этиб борилади.

2. Юклаб жўнатиш усули- бунда маҳсулот харидорларга жўнатилиб, уларга ҳисоб-китоб ҳужжатлари (счёт-фактура, транспорт юк хатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳужжатлар) топширилишига қараб бу маҳсулот сотилган ҳисобланади.

Касса усули қўлланилганда маҳсулотни топшириш ва унинг ҳақини тўлашга доир хўжалик операциялари бажарилганидан кейингина маҳсулот сотиш ишлари тугатилган ҳисобланади. Агар маҳсулот жўнатилиб, унинг пули харидорлардан келиб тушмаган бўлса, сотиш иши якунланган деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Юклаб жўнатиш усули қўлланилганда маҳсулот ва товарлар жўнатилиб, ишлар ва хизматлар бажарилганидан кейин, уларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га тақдим этилган бўлса, ана шундай маҳсулот (иш, хизмат)лар ва товарлар сотилган ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га шартномада кўзда тутилган усулда берилган вақтдан эътиборан бу ҳужжатлар харидор

(буюртмачи)га тақдим этилган ҳисобланади. Агар шартнома шартларига кўра харидор (буюртмачи) маҳсулотни бевосита ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида қабул қилса, у ҳолда бундай маҳсулот харидор (буюртмачи) га топширилиб, шартномада кўзда тутилган ҳужжатлар расмийлаштирилиб, ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор (буюртмачи)га ёхуд унинг вакилига тақдим этилганидан кейин сотилган ҳисобланади.

Малака битирув ишимизнинг асосий ўрганиш объекти ҳисобланган “Касби пахта тозалаш” ОАЖининг маълумотлари асосида тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракатини 2-жадвалда кўришимиз мумкин:

2-жадвал

16-қайднома “Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати”

Кўрсаткичлар	Баҳоси бўйича	Таннарх бўйича	ёзув учун асос
Ой бошига қолдиқ, м.с.	18400	17600	16-қайднома
Ишлаб чиқаришдан қабул қилиш, м.с.	28650	24450	16-қайднома
Қолдиқ билан жами ҳақиқий таннархнинг ҳисоб баҳосига нисбати, %	64,2	71,9	16-қайднома
Ҳисобот ойдаги ортиб жўнатилган маҳсулот, м.с.	21300	20500	11-қайднома
Ой охирига бўлган қолдиқ, м.с.	25750	21550	11-қайднома

16-қайднома ва 11-журнал-ордер асосида тузиладиган товарни сотиш ҳақидаги ҳисоботда қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилади: сотилган маҳсулотнинг режа таннархи, режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ, сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобварағи, солиқ, сотишдан олинган тушум ва охирги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар суммаси.

Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чакиради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига ижобий таъсир кўрсатади. Булар еса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Харидорлар томонидан тўланган пул мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Мол етказиб берувчи ташкилотларнинг тайёр маҳсулотни харидорлар томонидан шу маҳсулотни тайёрловчи корхонанинг ўзида бевосита қабул қилиб олинса ёки у маҳсулот транзит усули билан (таъминот сотиш ташкилотларининг иштирокисиз) жўнатилса, маҳсулотнинг харидорга топширилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва у молиявий натижаларга киритилади. Корхона сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (иш, хизмат) товар маҳсулоти деб номланади. Товар маҳсулоти (иш, хизмат) таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- буюртмачи ва харидорларга сотилган тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ва корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикат;

- халқ истеъмоли товарлари, чиқиндилардан тайёрланган ишлаб чиқариш- техника мақсадларига мўлжалланган буюмлар, ярим фабрикатлар ҳамда маҳаллий хом-ашёдан халқ истеъмоли учун тайёрланган ноозиқ-овқат (турлари) товарлари;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;

- саноат хусиятидаги ишлар ва хизматлар;

- ўз капитал қурилиши етиёжларига сотиладиган маҳсулот, иш, хизматлар;

- саноат хусусиятига ега бўлмаган ишлар ва хизматларнинг амалга оширилиши, қиймати харидорлар томонидан тўланган ва комплектлаш учун сотиб олинган буюмлар;

- ўз кучи билан четга бажарилган илмий-тадқиқот ишлари.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда, сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирнинг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсисининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Сотилган маҳсулот 9010-“Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар”, 9020-“Товарларни сотишдан олинадиган даромадлар”, 9030-“Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар” ҳисобвараларида ҳисобга олинади.

9040-“Сотилган товарларнинг қайтарилиши” ва 9050-“Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” ҳисобварағида сотилган товарларнинг қайтарилиши ҳамда харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар акс эттирилади.

9010, 9020, 9030-ҳисобварақларининг кредитида 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” ҳисобварағи билан корреспонденцияланган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган соф тушум акс эттирилади. Бу ҳисобварақларда харидорларга жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича ҳисобланган аксиз солиғи ва ҚҚС суммалари акс эттирилмайди.

Тайёр маҳсулотнинг сотилишида сотиш баҳосининг акс эттирилишига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”;

К-т 6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар”;

К-т 9010-“Маҳсулот сотишдан олинган даромад”.

4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” ҳисобварағи актив бўлиб, унинг сальдоси харидор ва буюртмачиларнинг корхонадан сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича қарзини кўрсатади, дебет обороти ҳисобот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш қийматини, кредит обороти эса ҳисобот

ойида харидорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирининг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

3-жадвал

Хўжалик муомалаларининг мазмуни⁷

№	Муомалалар мазмуни	дебет	кредит
1	Маҳсулотлар харидорларга жўнатилганида жўнатилган товар қийматига	4010	9010
2	Тайёр маҳсулотнинг сотилишида сотиш баҳосининг акс эттирилиши	4010	6410, 9010
3	Харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларга ҚҚС ва акциз солиғи ҳисобланганида	4010	6410
4	ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилганида	6410	5110
5	Сотилган товарларнинг қайтиши	9040	4010
6	Сотилган товарлар ёки маҳсулотнинг таннарига	9110	2810
7	Ҳисобот даври охирида 9040 счётининг ёпилиши	9010	9040

Харидорларга юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-қайдноманинг 2-бўлимида юритилади. Юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг ҳисобвақралари бўйича синтетик ҳисоб 11 журнал – ордерда юритилади. Бу журнал-ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 4010 – ҳисобварақларининг кредит обороти ҳамда 9010, 9020, 9030 – ҳисобварақларининг аналитик маълумотларини ёзиш учун мўлжалланган. 11-журнал-ордер 15 ва 16-ведомостларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади.

⁷ 21-БХМС асосида тайёрланган.

Ҳисобот даври якунида 9010, 9020, 9030-ҳисобварақлари ёпилади:

Д-т 9010, 9020, 9030-ҳисобварақлар;

К-т 9900-“Якуний молиявий натижа”.

Шу билан бирга сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳам ҳисобот даври якунида якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900-“Якуний молиявий натижа”;

К-т 9110, 9120, 9130.

Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)ларни ҳисобга олишда фойдаланилган аналитик счётларнинг охиридаги қолдиғи ҳисобот даври тугаганидан сўнг синтетик счётларга мос келиши шарт. Ҳамда ҳар бир бўлиб ўтган жараён тегишли ҳужжатларда акс эттирилиши керак. Акс ҳолда ҳисоб-китоб ишларида хатоликка йўл қўйилган, ёки беркитиш, турли яширишлар бўлган деб қаралади. Бу каби ҳолатларни бартараф етиш учун бухгалтерия ҳисобида алоҳида эҳтиёткорлик, аниқлик, ҳақонийлик, адолатлилик, ўз вақтидалик, тўлиқлилик тамойилларидан фойдаланилади.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда, сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирнинг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсисининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Корхоналар ўз маҳсулотларининг сотилишини ҳисобга олиш билан бир қаторда маҳсулот(иш, хизмат) лар учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ҳам ҳисобга олиб боришлари шарт.

Баъзи корхоналар тайёр маҳсулотни сотишда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда акциз солиғини ҳам тўлаши мумкин. Акциз солиғи соф даромад нархида ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга тўланадиган солиқдир. Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунларга мувофиқ берилган хом-ашё маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан

ташқарида ҳисобга олинади.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулот сотишнинг янги кирралари намоён бўлмоқда. Бу, айниқса, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда бартер муомалаларида ўз ифодасини топмоқда. Айнан бу муомалалар бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги амалиётида ҳисоб юритишда бир қанча муаммолари мавжудлиги билан кўзга ташланмоқда. Фикримизча, республикамызда фаолият кўрсатаётган корхоналарда бартер муомалаларини кэнг қўллашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Агарда бартер муомалалалари амалиётга кэнг татбиқ этилса, биринчидан, мавжуд инфляция суръатини жиловлаш имконияти туғилади, иккинчидан, ҳисоб ишларида ортиқча расмиятчиликлар миқдори камайиб, унинг самарадорлиги янада ошиши учун замин яратилади.

2.2. Маҳсулот ва хизматлар сотиш жараёнининг ҳисобини юритиш

Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корхоналар билан тузилган шартнома ва жўнатиш графигига мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш режасини бажаришда харидорларга жўнатиш маҳсулот ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни маҳсулот ортиб жўнатишдан тортиб то унинг учун харидорлардан пул кслиб тушгунча бўлган товар маҳсулотнинг ҳаракатини доимий равишда кузатиб туриш керак. Бундай назорат ҳар бир дастлабки ҳужжат билан жўнатиш товар маҳсулот бўйича алоҳида юритилиб, шу маҳсулотнинг қачон ва кимга жўнатишлиги, унинг йўлдаги ҳаракатига қанча вақт кетиши кераклиги ва ҳақиқатда қанча вақт кетганлиги, қандай харидорлар маҳсулотни қачон қабул қилиб олганликлари ва қачон пулни тўлаш кераклиги, қандай харидорлар уларга жўнатиш моллар учун пул тўламаган ва нима учун тўланмаганлигини, хуллас, йўлдаги барча товар

маҳсулотнинг тақдирига доир масалалар ҳақида хабардор бўлиб туриш имконини беради.⁸

Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотга счёт, тўлов талабномаси ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.

Тўлов-талабнома. Мол этказиб берувчининг счёт-фактурага мос равишда ортиб жўнатиш маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоб-китоб счётидан пулни ўтказиб бериш тўғрисида банкка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатиш маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси, сони, ассортиментни қайд қилинади (бу ҳолатда счётфактура, албатта, тўлов-талабномасига илова қилиниши лозим).

Счёт-фактура ёки тўлов талабномасининг алоҳида бўлмасида тара ва қадоқлаш қиймати ҳамда харидор томондан тўланадиган темир йўл бўйича тариф суммаси кўрсатилади. Баъзида харидор томонидан тўланиши лозим бўлган темир йўл тарифи бўйича суммага умумий маҳсулотнинг сотиш баҳоси қўшиб кўрсатилиши мумкин. Қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида кўрсатилади. Мол этказиб берувчи билан харидор ўртасида тузилаётган шартнома вақтида франко жой тўғрисида тўхталиб ўтиладики, бунда маҳсулотни ортиб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни мол этказиб берувчи ўз зиммасига олади. Франко жойнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Франко-омбор мол этказиб берувчи. Бунда маҳсулот ортиб жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларини мол этказиб берувчи корхона тўлов-талабномаси қўшади (омбордаги ортиб тушириш ишларининг қиймати темир йўл тарифи ва этказиб бериш харажатлари).

Франко-станция жўнатиш шундай нархки, у мол этказиб берувчи тўлов-талабномасининг суммаси, темир йўл тарифи ва маҳсулотни вагонга ортиш харажатлари йиғиндисидан иборат.

Белгиланган станциягача франко вагон шундай нархки, бунда мол

⁸ Каримов А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, «Шарк» НМК. 2004 йил. 262 бет

этказиб берувчи тўлов талабномасига фақат темир йўл тарифи суммасини қўшади.

Белгиланган станциягача франко. Бунда жўнатиш бўйича барча харажатлар темир йўл тарифи қўшилган ҳолда мол этказиб берувчи томонидан тўланади.

Нархнинг франко омбор харидор турида мол этказиб берувчи кўрсатилган харажатлардан ташқари харидорнинг станциядаги ортиб тушириш ишлари, унинг омбордаги ва омборига этказиб бериш ишлари бўйича харажатларни тўлайди (қоплайди).

Бизнинг республикамизда энг кенг тарқалган тури франко станция жўнатиш ҳисобланади.

Хўжалик шартномаси⁹ — бу корхоналарнинг хўжалик муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги ўзаро келишувидир. Шартнома томонлар мажбурияти ва ҳуқуқларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Юз берган шароитни ҳисобга олиб вақти-вақти билан шартнома шартлари кўриб чиқилиши ва уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Агар корхона белгиланган номенклатурадаги маҳсулотни жўнатиш юзасидан шартнома шартларини бузса, у ҳолда ушбу корхонага нисбатан жазо чоралари қўлланади. Демак, шартнома билан расмийлаштирилган ҳар бир режали буюртма корхона ходимлари бажариши шарт бўлган қонундир. Бундай тартиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори иш унумдорлигига эришишни таъминлайди. Белгиланган муддатда маҳсулот сотиш режасининг бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш чораси қўлланилади. Жарима миқдори маҳсулот сотиш шартларига қараб аниқланади.

Тайёр маҳсулотларни харидорларга жўнатиш харидор билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу шартномаларда жўнатиладиган маҳсулот муддати, миқдори, қиймати ва ҳисоб-китоб шартлари келтирилади. Жўнатилган маҳсулот счёг-фактура, чиқим

⁹ Каримов А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент, «Шарк» НМК. 2004 йил. 263 бет

ҳужжати, тўлов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Хизмат кўрсатишни (ишларни бажаришни) ўз ичига оладиган битим натижаси аниқ белгиланадиган бўлса, ушбу битим билан боғлиқ бўлган даромад йиллик молиявий ҳисобот тузиш вақтида битимнинг бажарилиши босқичига қараб тан олинади. Битим натижаси эса қуйидаги шартларни бажариш бўйича аниқ белгиланиши мумкин:

- битимни бажариш чоғидаги даромадлар ҳамда амалга оширилган харажатлар ва битимни ниҳоясига этказишга доир харажатлар юқори даражадаги ишончлилик билан баҳоланиши мумкин;

- ҳўжалик юритувчи субъектга битим билан боғлиқ бўлган даромадлар келиб тушишининг катта эҳтимоли мавжуд;

- бухгалтерия баланси ҳисобот санасигача битим бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми юқори даражадаги ишончлилик билан баҳоланади.

Харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”;

4020 “Олинган векселлар”.

4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счётида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади.

4020 “Олинган векселлар” счётида олинган векселлар билан таъминланган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзи ҳисобга олинади. (Республикамизда вексел операциялари амалга оширилмайди)

Олинадиган счётлар (4000) асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000), асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар (9200) ва асосий

фаолиятнинг бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан боғланган ҳолда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага дебетланади. (1-илова)

Олинадиган счётлар (4000) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан келиб тушган тўловлар суммасига, олинган бўнақларни ҳисобга олиш ва бошқалар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Олинадиган счётлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир харидор (буюртмачи) бўйича юритилади.

4-жадвал

Тайёр маҳсулотлар харидорлари ва буюртмачилари билан ҳисоб-китобларнинг акс эттирилиши¹⁰

№	Муомалалар мазмуни	Сумма	Дебет	Кредит
1.	Тайёр маҳсулотлар сотишдан олинган даромад акс эттирилади	600000	4010	9010
2.	ҚҚС ҳисоблаб ёзилди	120000	4010	6410
3.	Харидорлар ва буюртмачилардан тўловлар келиб тушди	720000	5110	4010

Хўжалик юритувчи субъект қуйидаги бандлар бўйича битимда иштирок этувчи бошқа шахслар билан келишувга эришгандан сўнг ишончли тарзда баҳолаши мумкин бўлади:

- томонларнинг хизмат кўрсатиши ва қабул қилиши хусусида даъво қилиш кучига эга бўлган ҳуқуқлари;
- кўзда тутилаётган қопламалар ҳажми;
- ҳисоб-китоб қилиш усули ва шартлари.

Бунинг маъноси шундан иборатки, хизматларни кўрсатиш бўйича томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан расмийлаштирилиб, унда қопламанинг (компенсациянинг) аниқ суммалари, тўловнинг шартлари ва шакллари, товар-моддий захиралар

¹⁰ 21-БХМС асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

қийматини кўрсатилган хизматлар суммасига киритиш каби масалалар кўзда тутилади.

Ҳар бир битимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъект унинг тугалланиш босқичини қуйида келтирилган усуллардан бирини қўллаган ҳолда аниқлайди:¹¹

1. Бажарилган ишларни таҳлил қилиш, яъни назорат тартибда ишларни ўлчаб чиқиш.

2. Маълум бир ҳисобот санасигача бажарилган хизматлар ҳажмининг (суммасининг) битим бўйича хизматларнинг бутун ҳажмига (суммасига) бўлган фоизли нисбати.

3. Маълум бир ҳисобот санасигача амалга оширилган харажатларнинг битим бўйича хизматларни бажариш учун жами харажатларга бўлган фоизли нисбати. Ушбу санагача амалга оширилган харажатлар сирасига бажарилган хизматлар ҳажми учун сарфланган фақатгина ҳақиқий харажатлар олиб борилади. Битим бўйича баҳоланган умумий харажатлар сирасига эса бажарилган ёки бажарилиши лозим бўлган хизматларни акс эттирувчи харажатлар киритилади.

Мисол. “ ” ОАЖ 2013 йил 10 сентябрда қурилиш билан шуғулланувчи корхоналар учун янги турдаги қурилиш учун ишлатиладиган бўз-матой ишлаб чиқиш бўйича шартномани имзолади.

Мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган хизматлардан олинадиган даромад суммаси 200000000 сўмни ташкил этади. Шартнома бўйича ишларни бажариш учун режалаштирилган харажатлар 170000000 сўмга баҳоланди. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар бўйича ишларни бажариш учун 6 ой сарфланиши кутилмоқда. Ҳисоботни тузиш санасига, яъни 2012 йил 31 декабр ҳолатида сарфланган ҳақиқий харажатлар 102000000 сўмга тенг эканлиги аниқланди.

Мазкур шартнома бўйича ишларни бажаришдан олинган даромадни

¹¹ Ортиқов А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Т.: Норма. 2010. 36-б.

2013 йил 31 декабр санасига тугалланиш босқичини юқорида келтирилган усуллардан бири ёрдамида аниқлаш ва олинган натижаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш талаб қилинади.

Ечими: Ушбу ҳолатда шартноманинг тугалланиш босқичи аниқлашнинг учинчи усулидан - маълум бир ҳисобот санасигача амалга оширилган харажатларнинг битим бўйича хизматларни бажариш учун жами харажатларга бўлган фоизли нисбатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки бажарилган ишларни таҳлил қилиш, яъни назорат тартибида ишларни ўлчаб чиқишни ўтказиш ёки маълум бир ҳисобот санасигача бажарилган хизматлар миқдорининг битим бўйича хизматларнинг бутун миқдorigа бўлган фоизли нисбатини ишлатиш имконияти мавжуд эмас. Тегишли равишда ҳисоб-китоблар қуйидагича бўлади:

- 2013 йил 31 декабр санаси ҳолатига амалга оширилган харажатларнинг битим бўйича хизматларни бажариш учун жами (баҳоланган) харажатларга бўлган фоизли нисбатини аниқлаш - 60 фоиз:

$$60 \% = 102\,000\,000 \text{ сўм} / 170\,000\,000 \text{ сўм} \times 100 \%$$

- 2013 йил 31 декабр санаси ҳолатига мазкур шартнома бўйича 120 000 000 сўмлик суммадаги даромадни тан олиш лозим:

$$120\,000\,000 \text{ сўм} = 200\,000\,000 \text{ сўм} \times 60 \% / 100.$$

Шартномани қисман бажаришдан олинган даромадни ва битим бўйича реализация қилинган ишларнинг таннаrxини тан олиш билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари корхонанинг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

- 2013 йил учун ишларни реализация қилиш (битимнинг бир қисмини бажариш)дан олинган даромад суммасига:

дебет 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” счёти 120 000 000 сўм;

кредит 9010 “Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счёти 120 000 000 сўм;

-2010 йил учун реализация қилинган (битимнинг бир қисмини бажаришнинг) ишлар таннарни суммасига:

дебет 9110 “Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннарни” счёти 102 000 000 сўм;

кредит 2810 “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” счёти 102 000 000 сўм.

Қуйида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган битимларнинг турли хиллари ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадни тан олиш пайтининг аниқланиши келтирилган:

1. Ўрнатиб бериш учун тўлов (йўлдошли телевизион антенналар, телефон алоқасини ва ҳоказоларни ўрнатиш).

Ўрнатиб бериш (йўлдошли телевизион антенналар, телефон алоқасини ва ҳоказоларни ўрнатиш) бўйича хизматлар учун даромад монтаж (ўрнатиш) тугагандан сўнг тугалланиш босқичи кўрсатилган ҳолда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тузиш санасига тан олинади. Агар бундай ҳолатда олдиндан тўлов олинган тақдирда, уни 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар” счётида бажарилган ишлар тугаллангунига қадар ҳисобга олиб бориш лозим.

Бунда авансларни олиш бўйича бухгалтерия ҳисоби ёзуви қуйидаги кўринишга эга бўлади:

дебет 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счёти

кредит 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар” счёти.

2. Хизматлар учун тўлов маҳсулотнинг баҳосига киритилган. Маҳсулотларни сотиш баҳоси сотишдан кейинги хизматлар (масалан, дастурий таъминот сотилганда маҳсулот сифатини оширишни таъминлаш бўйича сотишдан кейинги хизмат кўрсатишлар) учун маълум бир суммани ўз ичига олган тақдирда, ушбу сумма келгуси даврга ўтказилиб, 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар (келгуси давр даро-мадлари) счётида ҳисобга олинади ва хизматлар кўрсатилган даврда даромад сифатида тан олинади.

Ҳисобварақ-фактуралар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини) тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар тайёр маҳсулотни реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлардир.

Маҳсулотни тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиш харидор товар қийматини дарҳол эмас, балки шартномада белгиланган муддатларда бир неча тўловлар билан тўлашини билдиради. Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганлик учун битим тарафларининг келишувига кўра қўшимча тўлов (бўлиб-бўлиб тўлаганлик учун фоиз) белгиланган бўлиши мумкин.

Сотувчи маҳсулотни юклаб жўнатиш санасида фоизлар чегирилган ҳолда сотиш нархидан келиб чиқиб даромадни тан олиши лозим. Фоизлар олинишига қараб молиявий фаолият бўйича даромад сифатида тан олиниши лозим.

Таъкидлаш лозимки, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаганда ҳам 15 фоизлик бўнакнинг мавжудлиги зарур ҳисобланиб, қарз эса маҳсулот юклаб жўнатилган кундан бошлаб 90 кундан ошмаган муддатда тўланиши лозим.

Тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида маҳсулотларни сотиш бўйича бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади. (5-жадвал).

ҚҚСсиз ягона солиқ тўловини тўловчи корхона ушбу вазиятни ҳисобда ҚҚСдан ташқари худди шундай ёзувлар билан акс эттиради.

Маҳсулотни воситачилар орқали (комиссия шартномаси бўйича) сотишдаги тушум тайёр маҳсулотларни олувчи тайёр маҳсулотларни юк жўнатувчи (сотувчи) номидан сотиш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олиши назарда тутилган комиссия шартларида сотишда даромад юк жўнатувчи томонидан товарларни юклаб жўнатиш пайтида эмас, балки маҳсулот олувчи томонидан учинчи тарафга сотилган пайтда тан олинади.

Сотиш муомалалари бўйича тўловларни бўлиб тўлаш орқали маҳсулотларни сотиш жараёнининг тезлашишига олиб келади.

**Корхона туловни бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида маҳсулотларни
сотиш¹²**

№	Муомалалар мазмун	Дебет	Кредит
1.	Харидордан бўнак одинди	5110-“Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”	6310-“Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар”
2.	Маҳсулотни сотишдан олинган даромад акс эттирилди	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”	9010-“Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар”
3.	Сотилган маҳсулот бўйича ҚҚС ҳисобланди	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”	6410-“Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)”
4.	Сотилган маҳсулот- нинг таннари ҳисобдан чиқарилди	9110-“Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари”	2830-“Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар”
5.	Тўловларнинг келиб тушишига қараб харидор қарзларининг тўланиши акс эттирилди	5110-“Ҳисоб-китоб ҳисобварағи”	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”
6.	Бўнакнинг ҳисобга олиниши	6310-“Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар”	4010-“Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар”

Мисол. “Ройсон” ишлаб чиқариш корхонаси автоматлаштирилган рангли телевизор чиқариб, 480000 сўмдан ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда сотади, шу жумладан кафолат хизмат кўрсатилиши суммаси 50000 сўмга тенг. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари 268000 сўмга тенг.

2013 йил 21 февралда корхона савдо тармоқларига 50 дона рангли телевизорларни юклаб жўнатди. Шартнома бўйича олдиндан тўлов ҳажми 15 %ни ташкил этади ва қолган суммаси 2 ой мобайнида тўланиши лозим. Реализация қилиш қийматидан 15 % ҳажмидаги олдиндан тўлов суммаси корхонанинг ҳисобрақамига 2013 йил 3 мартда келиб тушди.

Юқорида келтириб ўтилган хўжалик операциялари бўйича бухгалтер-

¹² 21-БҲМС асосида тайёрланди.

терия ҳисоби ёзувлари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- рангли телевизорларни реализация қилишдан олинган даромаднинг тан олиними, бунда рангли телевизорларнинг сотиш баҳоси реализация қилинган маҳсулотларни сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш қийматини ўз ичига олади:

дебет 4010 *24 000 000 сўм;*

кредит 9010 *17 500 000 сўм;*

кредит 6410 *4 000 000 сўм;*

кредит 6230 *2 500 000 сўм;*

$24\,000\,000 \text{ сўм} = 480\,000 \text{ сўм} \times 50 \text{ дона}; 4\,000\,000 \text{ сўм} = 24\,000\,000 \text{ сўм} \times 20 / 120; 2\,500\,000 \text{ сўм} = 50\,000 \text{ сўм} \times 50 \text{ дона};$

- реализация қилинган рангли телевизорларнинг таннари суммасига:

дебет 9110 *13 400 000 сўм;*

кредит 2810 *13 400 000 сўм;*

$13\,400\,000 \text{ сўм} = 268\,000 \text{ сўм} \times 50 \text{ дона};$

- рангли телевизорларни сотиб олган харидордан олдиндан тўлов суммасининг келиб тушишини акс эттириш:

дебет 5110 *3 600 000 сўм;*

кредит 6310 *3 600 000 сўм;*

$3\,600\,000 \text{ сўм} = 24\,000\,000 \text{ сўм} \times 15 / 100.$

3. Реклама учун мукофот.

Оммавий ахборот воситаси томонидан воситачилик ҳақи омма олдида тегишли реклама ёки реклама тасмаси чиқарилганда тан олинади. Ишлаб чиқариш воситачилик ҳақи лойиҳани тугалланиш босқичи кўрсатилганда тан олинади.

Реклама учун олинган олдиндан тўлов суммасини 6310 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар” счётида ҳисобга оладилар, хизмат кўрсатилгандан сўнг эса ушбу олдиндан тўловни тушумга ки-ритадилар, яъни даромад сифатида тан олинади ва қуйидаги бухгалтерия ҳисоби ёзуви

билан акс эттирилади:

- реклама бўйича коммиссион хизматларни кўрсатиш учун олдиндан тўловнинг олинимида:

дебет 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счёти;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти;

- оммавий ахборот воситалари томонидан реклама хизматлари кўрсатилгандан сўнг хизматларни бажаришдан олинган даромаднинг тан олиними:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар» счёти;

кредит 9030 «Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти.

4. Суғурта агентликларининг воситачилик ҳақи. Суғурта агентлиги томонидан олинган ёки олиними лозим бўлган воситачилик ҳақи, агент томонидан кейинчалик хизмат кўрсатиш талаб этилмаса, агент томонидан суғурта полиси кучга кирган ёки тикланган кунидан кейин даромад деб тан олинади. Лекин, агентдан полис амалда бўлган муддатда кейинчалик хизмат кўрсатиш талаб қилиниши эҳтимоли мавжуд бўлса, коммиссион ҳақ ёки унинг қисми кечиктирилади ва полис кучга эга бўлган давр мобайнида даромад сифатида тан олинади.

5. Абонемент йиғимлари. Санъаткорларнинг чиқишлари, банкетлар ва бошқа алоҳида ҳоллардан тушум бундай ҳоллар рўй берганда даромад сифатида тан олинади. Қатор воқеаларга чипталар сотилганда, тўлов ҳар бир воқеа кўрсатилган вақтда кўрсатилган хизмат ҳажми бўйича ҳар бир воқеа орасида тақсимланади.

6. Ўқитиш учун тўлов. Даромад ўқитиш даври мобайнида тан олинади.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тузиш чоғида “изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар”да қуйидаги маълумотларни

очиb бериши лозим:

1. Даромадни тан олиш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати, шу жумладан хизмат кўрсатишни ўз ичига олган битимларнинг ниҳоясига этиши босқичларини белгилаш учун қабул қилинган усуллар.
2. Даромаднинг ҳисобот даври давомида акс эттирилган ҳар бир муҳим тоифаси миқдори, шу жумладан қуйидагилардан олинган даромадлар: товарларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан, фоизлардан, роялтидан, дивидендлардан.
3. Даромадларнинг ҳар бир муҳим тоифасига киритилган товарлар ёки хизматларни айирбош қилишдан олинган даромад миқдори.

Тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: (2-илова)

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”;

9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”;

9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар”;

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши”;

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счётларининг кредитида корхонанинг асосий фаолияти (тайёр маҳсулотлар, товарларни сотиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан даромадлар олинадиган счётлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади, бироқ, олдинги ҳисобот даврларида олинган, аммо жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммалари 6230 “Бошқа кечиктирилган даромадлар” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Маҳсулот, товар, иш, хизматларни сотишда 9010 “Тайёр

маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счётларида сотишдан тушган соф тушум суммаси акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан даромадлар”, 9030 “Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар” счётлари 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан ёпилади.

9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” счёти сотилган маҳсулот ва товарларнинг қайтишини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу счёт асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) гуруҳига контр-пассив счёт ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарлар сотишдан даромадни камайтиради. 9040 “Сотилган товарларнинг қайтиши” счётининг дебетида қайтарилган товарлар қиймати, тегишли: пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан - харидорлар ва буюртмачилар томонидан қайтарилган товарларнинг қиймати; олинadиган счётлар билан - қайтарилган товарлар бўйича бекор қилинган дебиторлик қарзлари суммаси; тўланадиган счётлар билан - мазкур товарлар учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган тўловлар ва бўнақлар бўйича вужудга келган қарз суммаси акс эттирилади. Бунда илгари ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи бўйича бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинadиган счётларнинг кредитида ёзув амалга оширилади. Қайтарилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархи ТМЗларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг дебетида ва сотилган маҳсулотлар ва товарларнинг таннархини ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг кредитида акс эттирилади.

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счёти шартнома шартларига мувофиқ берилган сотув чегирмалари, шунингдек

сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларда аниқланган яроқсизликлар ва хоказолар натижасида берилган нарх чегирмаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу счёт асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) гуруҳига контр-пассив счёт ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси маҳсулотлар ва товарларни сотишдан, иш бажаришдан ва хизмат кўрсатишдан даромадларни камайтиради. 9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётининг дебетида сотув ва нархлардан берилган чегирмаларнинг суммаси тегишли олинadиган счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади

Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) бўйича аналитик ҳисоб сотилган маҳсулотлар (товарлар), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади. Бундан ташқари, аналитик ҳисобни сотувнинг географик сегментлари (ҳудудлар) ва корхонани бошқариш учун зарур бўлган бошқа сегментлар бўйича юритиш мумкин.

Сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади: (3-илова)

9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”;

9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”;

9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи”;

9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш / харид қилиш”;

9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар”.

Тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлар сотилганда, сотилган тайёр маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматларнинг таннархи 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” счётларининг дебетида тайёр маҳсулотларни (2800), товарларни (2900) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда

акс эттрилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110 “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”, 9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”, 9130 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” счётлари 9910 “Якуний молиявий натижа” счёти билан ёпилади.

Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100)дан амалда фойдаланиш корхонада қўлланиладиган товар-моддий захираларнинг ҳисоб усулига, яъни товар-моддий захираларнинг узлуксиз ёки даврий ҳисобига боғлиқ.

Товар-моддий захираларни узлуксиз ҳисобга олиш усули қўлланилганда ҳар бир маҳсулот ёки товарнинг таннархи унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаракатига қараб харажатларни ҳисобга олувчи счётларда тўпланади.

Товар-моддий захираларни даврий ҳисобга олиш усулидан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулот (товар)нинг таннархи ҳисобот даври давомида вақтинчалик 9140 “Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш” счётида йиғилади, бироқ сотилган маҳсулотлар, товарларнинг ҳақиқий таннархини фақат ТМЗ инвентаризация қилингандан сўнг аниқлаш мумкин. 9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар” счёти - ҳисобот даврининг охирида инвентаризация натижасида ТМЗни мавжудлигини акс эттириш учун фойдаланиладиган вақтинчалик счёт. Кўрсатилган счётнинг дебети бўйича ТМЗнинг камайиши, кредити бўйича ТМЗнинг ўсиши ТМЗни ҳисобга олувчи счётлар (1000-2900) билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9150 “Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар” счётининг қолдиғи 9910 “Якуний молиявий натижа” счётига ўтказилиши орқали ёпилади.

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида яратилаётган маҳсулотларни ўз вақтида харидорларга, яъни чакана ва улгуржи савдо нуқталарига этказиб бериш катта аҳамиятга эга. Чунки бизнинг корхона этказиб бермаса, бизнинг рақобатчиларимиз этказиб беради ёки

харидорлар муқобил маҳсулотларни сотиб оладилар. Бу борада албатта корхона ташиш харажатларини амалга оширишга мажбур бўлади. Тайёр маҳсулотларни ташиш учун қилинган сарфлар корхонанинг сотиш харажатлари ҳисобланади. Сотиш харажатлари маҳсулот таннархига киритилмай давр харажатлари таркибида ҳисобга олинади ва бу харажатлар корхонанинг ялпи фойдаси ҳисобидан қопланади.

Ташиш харажатлари: товарларни темир йўл, ҳаво, автомобил, денгиз, дарё транспортида ташиш харажатлари, ушбу моддага ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар ҳам киритилади.

Тайёр маҳсулот энг кўп автомобил транспортида ташилади. Корхоналар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, сотилаётган маҳсулотларни ташишни қуйидаги шакллардан бирида ёки биргаликда олиб бориши мумкин:

- ўз автотранспортларида;
- транспорт корхоналарининг автотранспортларида;
- ижарага олинган автотранспортларда.

Агар корхона тайёр маҳсулотларни ўз автотранспортида ташишга қуйидагича харажатлар бўлади.

Автомобил транспортида ташиш харажатлари иқтисодий жиҳатдан жонли меҳнат харажатлари ҳамда буюмлашган меҳнат ўрнини қоплаш (ишлаб чиқариш восита ва буюмлари) харажатларидан иборат икки гуруҳга бўлинади.

Маҳсулот ташиш харажатлари ўтказиш усулига қараб ҳам икки гуруҳга бўлинади: ташишнинг бир циклида ўз қийматини ташиш харажатлари қийматига тўлиқ ўтказадиган меҳнат ашёлари (ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, материаллар, иш ҳақи) харажатлари ҳамда кўп вақт қатнашиб, ўз қийматини ташиш харажатлари қийматига эмирилиш ва эскириш натижасида қисман-қисман (йил, йил чораги ёки ҳар ойда) ўтказиб турувчи меҳнат воситалари харажатлари (асосан амортизация

ажратмалари харажатлари).

Барча чиқимлар йиғиндиси рўйхатини тузишда улар қандай мақсадларга ва қайси маҳсулотга ўтказилишидан катъи назар, иқтисодий белгилари бир хил бўлган харажатларга бўлинади ва уларга харажат элементлари дейилади,

Барча соҳалар ва, шу жумладан, автомобил транспорти ташиш харажатлари қуйидаги элементлардан иборатдир:

- меҳнат ҳақи харажатлари;
- ижтимоий суғурта ажратмалари
- материаллар харажатлари;
- асосий фондларни тўла тиклаш амортизация харажатлари;
- бошқа харажатлар.

Автотранспорт ташиш харажатларини ҳосил қилишга қараб ҳам иккига бўлинади: бевосита ва билвосита ташиш харажатлари.

Бевосита ташиш харажатлари: шофёрларнинг ойлик иш ҳақлари (иш ҳақларига қўшимча ажратмалари билан), ёнилғи ва мойлаш материаллари харажатлари, ҳаракатланувчи составларга техника хизмати кўрсатиш ва уни жорий тузатиш харажатлари, автомобил шиналари эмирилиш харажатлари, ҳаракатланувчи составлар амортизацияси.

Билвосита ташиш харажатларига шу ишларга умумий раҳбарлик қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва транспорт маҳсулоти бирлигига киритиш бевосита мумкин бўлмаган устама харажатлар киради.

Автомобил транспортида ташиш харажатларининг асосий моддаларига қуйидагилар киради:

- шофёрлар иш ҳақлари ва уларга қўшимча ажратмалар
- автомобиллар ишлаши учун ёнилғи харажатлари;
- ҳаракатланувчи составларни мойлаш ва бошқа ишлатиш материаллари харажатлари;

- тузатиш (жорий ва катта) ва ҳаракатланувчи составларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари;

- автомобил шиналари емирилиши харажатлари;

- ҳаракатланувчи составлар амортизацияси харажатлари;

- умумхўжалик (устама) харажатлар.

Ножўя харажатларга ёнилғи, шина, эҳтиёт қисм этишмовчилиги ва йўлларда юриб бўлмаслик ва бошқа сабабларга кўра ишчиларнинг туриб қолиш тўловлари, буюмларнинг табиий камайиши (белгиланган меъёردа), корхона айби билан майиб ва шикастланиш харажатлари киради.

Автомобиллар яқин масофага тайёр маҳсулот ташиса, кўп юк ташийди ва кам миқдорли тонна-километрли иш бажаради. Аксинча бўлганда эса тонна-километрли иш кўп бўлиб, ташилган юк хажми кам бўлади. Биринчи ҳолда автомобилларнинг умумий йўл босиш масофаси кам, лекин ишбай усули билан шофёрлар меҳнатига ҳақ тўлашда улар миқдорлари тенг ёки бир-бирига яқин бўлади.

Агар корхона тайёр маҳсулотларни ўз автотранспортида ташиса қуйидагича проводкалар бўлади:

Харидорларга этказилаётган тайёр маҳсулотларни ташувчи автотранспорт воситаларига ёқилғи-мойлаш материаллари сарфланди:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 1030 “Ёқилғилар”

Шофёрларга иш ҳақи ҳисобланди:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоб - китоблар”

Шофёрларнинг иш ҳақиға нисбатан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланди:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 6520 “Давлат мақсадли фондларига тўловлар”

Сотилаётган маҳсулотни ташиётган автотранспорт воситаларига

эскириш ҳисобланди:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 0260 “Транспорт воситаларнинг эскириши”

Тайёр маҳсулотларни ташишдиган автотранспорт воситалари жорий таъмирланди:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 1040 “Эҳтиёт қисмлар”

Сотиш харажатлари якуний молиявий натижага ўтказилди:

Д-т 9910 “Якуний молиявий натижа”

К-т 9410 “Сотиш харажатлари”

Агар корхона тайёр маҳсулотларини ташишда транспорт корхоналарининг автотранспортларидан фойдаланса, кўрсатилган хизматлар учун тақдим қилинган транспорт корхоналарининг счет-фактурада кўрсатган суммаларини тўлайдилар. Бунда қуйидагича проводкалар бериш мумкин:

Счет-фактурада тақдим қилинганда хизмат ва ҚҚСнинг суммасига:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

Д-т 4410 “Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари”

К-т 6990 “Бошқа мажбуриятлар”

Транспорт корхонасига пул ўтказилганда:

Д-т 6990 “Бошқа мажбуриятлар”

К-т 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”

Сотиш харажатлари якуний молиявий натижага ўтказилди:

Д-т 9910 “Якуний молиявий натижа”

К-т 9410 “Сотиш харажатлари”

Агар корхона тайёр маҳсулотларини ташишда қисқа муддатга ижарага олинган автотранспорт воситаларидан фойдаланса, ижара тўловлари суммасини сотиш харажатларига ўтказилади. Бунда қуйидагича проводкалар бериш мумкин:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 6910 “Тўланадиган қисқа муддатли ижара ҳақи”

Қисқа муддатли ижара ҳақи тўланганда:

Д-т 6910 “Тўланадиган қисқа муддатли ижара ҳақи”

К-т 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”

Сотиш харажатлари якуний молиявий натижага ўтказилди:

Д-т 9910 “Якуний молиявий натижа”

К-т 9410 “Сотиш харажатлари”

Агар корхона тайёр маҳсулотларини ташишда фойдаланиган автотранспортини молиянадиган лизинг шартномаси бўйича олган бўлса, унда ташиш харажатлари худди ўзининг автотранспортидан фойдалангандай ҳисобга олинади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ташиш харажатларига транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар ҳам киритилади. Масалан, Сотиш учун харидорларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотни ташиш учун транспорт корхонасига буюртма қилинган автотранспорт (поезд, самолёт, кема) ўз вақтида юк тўлдирилмади ва у шартномада кўрсатилмаган муддатда бизнинг айбимиз билан ушланиб қолди. Бунинг учун транспорт корхонаси бизга жарима солди:

Д-т 9410 “Сотиш харажатлари”

К-т 6990 “Бошқа мажбуриятлар”

Жарима тўланди:

Д-т 6990 “Бошқа мажбуриятлар”

К-т 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”

Ушбу харажат Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 147-моддасига мувофиқ доимий фарқ, яъни солиқ солианадиган базадан чегирилмайдиган харажат ҳисобланади. Бу эса хўжалик шартномаларини ўз вақтида бажаришни талаб этади.

Маҳсулотнинг харидорга этиб бориши ҳар гал ҳам автоматик равишда амалга ошмайди. Фақат маҳсулот тақчиллиги шароитидагина бозор тўғри келган маҳсулотни “ютиб” юбориши мумкин. Бундай ҳолда бозор талабни

вужудга келтирувчи сифат, баҳо, мавсумийлик каби маҳсулотнинг муҳим омилларини ҳисобга олмайди. Лекин ҳозирда мавжуд жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз бунга умуман тескари ҳолат ҳисобланади. Чунки ҳозирги инқироз истеъмол бозорининг тўйиниши натижасида вужудга келди, яъни таклиф жуда кўп, талаб эса кам. Бундай шароитда бозорни ўрганмай олдингидай маҳсулот ишлаб чиқариш корхонани жуда қийин аҳволга солиб қўяди. Бундай шароитда янги талабларни яратиш учун сотиш бозорларини ўрганган ҳолда янги-инновация маҳсулотларини ишлаб чиқариш лозим.

2.3. Молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобини юритишнинг амалий ҳолати

Ўзбекистон Республикасида “Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг кучга кириши молиявий ҳолатни тўғри аниқлашга, харажатларни тартибга солиш учун кўрилган чора ва тадбирлардан бири бўлди. Низом хўжалик юритувчи субъектлар юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикасида маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатларни аниқлаш бир хилда бўлишини таъминлаш мақсадида, шу билан бирга, ҳисоб ва ҳисобот ҳақидаги қонунларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлигини аниқлаш, уларнинг харажатларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлашга қаратилган. Корхона ва ташкилот харажатларининг бир қисми давлатнинг солиқ сиёсати асосида, солиққа тортиладиган базага киритилганлиги сабабли солиқ солинадиган фойда билан бухгалтерия фойдаси ўртасида фарқ юзага

келади. Харажатларни юқоридаги 54 Низом асосида шакллантириш молиявий натижаларни тўғри аниқлаш имконини беради.

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари фойда ёки зарар кўрсаткичлари билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 1999 йил 5 февраль ва 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори билан қабул қилинган «Маҳсулот (ишлар, хизмат) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизмат)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низоми корхона ва ташкилотларда молиявий натижаларини аниқлашда бир қатор ўзгаришларга олиб келди. Низомда келтирилган харажатларнинг турланиши, энг аввало, харажатларнинг тўғри ва тўла акс эттириш, молиявий ҳисоботни тузишда фойда ва зарарларни аниқлашга қаратилган.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари қуйидаги фойда кўрсаткичларига асосан олиб борилади. Низомда кўрсатилишича, маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган соф даромаддан сотилган маҳсулот таннархини айириш йўли билан аниқланади. Молиявий натижаларни аниқлашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар қаторига корхона фойдалилиги ёки натижавийлиги кўрсаткичлари, бозор активлиги кўрсаткичлари киритилади. Корхона фойдалигини характерловчи асосий кўрсаткичлар сифатида рентабеллик кўрсаткичлари олинади.

Молиявий натижаларни аниқлаш ташқи ва ички субъектлар томонидан олиб борилади. Ички субъектлар томонидан олиб бориладиган таҳлил ички молиявий таҳлил қаторига киритилиб фақат шу корхонанинг ходимлари томонидан олиб борилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги шундаки ундан ҳам ички ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг манфатлари мужассамлашган. Ички молиявий таҳлилда корхонада кўпроқ молиявий натижаларни юзага чиқиш ўрни, шакли бўйича ўзгаришларига аҳамият берилади.

Яъни уларнинг аналитик қаторига кўпроқ аҳамият берилади.


Ташқи таҳлил субъектларига эса солиқ органлари, банк ташкилотлари, акционерлар, мулк эгалари, инвесторлар, шунингдек корхона фаолияти билан билвосита қизиқувчи учинчи шахслар, эркин соҳибкорлар кириши мумкин. Уларни кўпроқ корхонанинг фойдалилик даражси ва унинг йиллар бўйича ўзгаришлари қизитиради. Агар акция егаси бўладиган бўлса соф фойда ва дивиденд тўловига тортиладиган фойда суммаси, солиқ идорасини солиқ тўловига қадар бўлган фойда ва унга қайта қўшиладиган харажат моддалари, қарши томон, харидор ва буютрмачилар ёки шерикларни корхонанинг йил якуни бўйича иқтисодий фойдаси ва ҳ.к.

Молиявий натижалар ҳисоби учун зарур маълумотлар 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисобот ва унга берилган изоҳлардан олинади. Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботнинг муҳим шакли 2- шаклда “Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисобот шаклида ифодаланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот чораклик ҳисобот шаклига кириб барча ҳўжалик юритиувчи субъектлар томонидан тузилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уни тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15-январдаги 5- сонли йўриқномаси асосида белгиланади.

Ушбу кўрсаткичларни ҳисоб - китоб қилиш юзасидан албатта корхонанинг қуйидаги харажат қаторларини ҳам таркиблаш ва фарқлаш лозим.

1. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.
2. Давр харажатлар.
3. Молиявий фаолиятдан харажатлар.
4. Фавқулотда харажатлар.



3-чизма.Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шакллари¹³

Даромад ва харажатларни бу таркиб туркумланиши қўйидагиларга имкон беради:

- ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш;

- молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа харажатлардан фарқлаш;

- корхона томонидан олинадиган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича аълоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан.

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шакли уларнинг ҳар бир шаклланиш катори бўйича тўлиқ ахборотларни олиш имконини беради. Бу ахборотлар ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайди. Агар шундай бўлганда еди молиявий ҳисоботни тузиш қондаси бузилган булар еди. Негаки молиявий ҳисоботдаги маълумотларда ҳеч

¹³ Манбаси: иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

качон бир туркум ахборот фойдаланувчилар фойдасига бошқа туркум зарари ҳисобига акс эттиришлар бўлмаслигини талаб етилади. Ушбу қоида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Республика қонунининг 6-моддасида ҳам бериб ўтилади. Яъни молиявий ҳисоботларни тузишдаги бетарафлилик қоидаси:

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум қатори. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг 050 сатри. Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум суммаси маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган ЖАМИ тушум суммасидан сотишга солиқлар тўловлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади.

Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотилган қаторга киритишнинг одатда иккита шарти характерланади. Булар кассали ва ҳисобга олиш усуллари дир. Кассали усулнинг моҳияти шундаки бунда маҳсулотлар ортиб жунатилиб ҳисоб ҳужжатлари такдим етилган ва уларнинг ҳисоб счетларига пули келиб тушгандан кейингина сотилган ҳисоблаш ва тушум қаторига қўшиш, сотишга солиқлар суммасини ҳам уларнинг амалга ошиш даврига мувофиқ ҳисоблашни характерлайди. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” қонуннинг қабул қилинишига қадар республикада ушбу усул қўлланиб келинди. Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотилган қаторга киритишнинг ёки даромадларни тан олишнинг ҳисобга олиш усули еса уларнинг ортиб жунатилиб ҳисоб ҳужжатлари такдим етилган вақти бўйича ҳисобга олишни характерлайди. Бунда пул тушумлар ёки тўловларнинг амалга ошиш вақтига аҳамият берилмайди. Сотишга солиқларнинг ҳисоб китоби ҳам бевосита уларнинг тушум сифатида тан олиш вақти бўйича ҳисобга олинади.

2. Маҳсулот сотишдан ялпи фойда.

Бу кўрсаткич молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 070-сатрида кўрсатилган. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи молиявий натижа фойда ёки зарар қуйидаги боғланишлар асосида аниқланади.

Яъни маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннаرخини чегириш асосида аниқланади. Корхона фойдасининг асосий қисмини бевосита маҳсулот (иш ва хизмат) лардан олинган фойда ташкил этади.

3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси. (Фойда ёки зарар).-110 - сатр

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси қуйидаги боғланишларда аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган фойда суммасидан давр харажатлари таркибига кирувчи сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар, ва бошқа умумхўжалик харажатларини чегириш ҳамда, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромад ва харажатларни тартибли фарқлаш асосида аниқланади.

4.Молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар).

Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар қаторига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги умумлашган кўрсаткичлар киритилган.

- Шўъба ва ассосацияланган корхоналардан олинган дивидендлар-120-сатр

- бошқа олинган дивидендлар-125-сатр

- шўъба ва ассосацияланган корхоналар берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар-130-сатр

- бошқа тўланган ва олинган фоизлар-135-сатр

- валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар-140-сатр

- молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар ва харажатлар-145-сатр.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижасига молиявий фаолиятдан олинган натижани қўшиш асосида умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа (фойда, зарар) аниқланади -150-сатр.

5. Умумхўжалик фаолиятидан молиявий натижа.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа солиқ

тўловига қадар фойда суммасидан ёки ҳисоб фойдаси суммасидан фавқулотда фойда ва зарарлар суммасига фарқ қилади. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда суммаси молиявий натижанинг шаклланиш катори емас балки уни таминловчи қатор сифатида таркибланади.

6. Фавқулотда фойда (зарар)-160-сатр.

Фавқулотда фойда (зарар) - корхона томонидан одатий ҳол ҳисобланган ва уч йиллик ораликда бундай фаолият билан шуғулланмаган ҳолатлардан оладиган даромад ва йўқотишлар фавқулотда фойда ва зарарлар қаторига киритилади. Фавқулотда фойда ва зарарлар молиявий натижалар шаклланишининг учинчи таркиби сифатида қаралади. Кутилмаган сув тошқини, табиий офатлар таъсиридаги йўқотишлар ҳам ушбу қаторга киритилади. Улар бўйича фойда ва зарарларнинг бошқа шаклланиш қаторларида солиқланиш бўйича ҳеч қандай фарқланиш йўқ. Агар фойда олинадиган бўлса у бўйича ҳам 35 фоиз солиқ тўланади, зарар олинадиган бўлса умумхўжалик фаолиятдан олинадиган фойда суммаси зарар суммасига камайтирилади. Лекин амалий кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики уларнинг шаклланиш еҳтимоли ниҳоятда ҳиса ёки кам. Бўлган тақдирда ҳам фақат зарар шаклида бўлмоқда.

7. Солиқ тўловига қадар фойда (зарар).

Солиқ тўловига қадар фойда (зарар) суммаси умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар) суммасига фавқулотда фойда (зарар) суммасини қўшиш асосида аниқланади. Солиқ тўловига қадар фойда суммаси ахборот истемолчилари эътиборидаги ва кузатувидаги қатор ҳисобланади. У бевосита асосий фаолиятнинг молиявий натижасидан, молиявий фаолиятнинг молиявий натижасидан ҳамда фавқулотда фойда ва зарарлар жамланган суммасидан иборот бўлади.

8. Соф фойда (зарар)-200-сатр

Соф фойда корхона ихтиёрида қоладиган фойда суммасини ифодалайди. Ушбу қатор солиқ тўловига қадар бўлган фойда


суммасидан фойда (даромаддан) туланган солиқлар ва бошқа солиқли тўловларни чегириш асосида аниқланади. Соф фойда корхонанинг еркин тасарруф шартдаги ва фойдаланишидаги фойда суммасидир. Лекин Соф фойда суммаси ҳам турли тўловлар ва ажратмалар базаси сифатида олиниши мумкин экан. Масалан корхона соф фойдасидан олинadиган ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга ажратмалар, футбол федерациясига ажратмалар ва бошқа тўловлар ва ажратмаларни шулар қаторига киритиш мумкин. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари кўрсаткичи молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг - 060 сатрида жойлашган. Бу қаторда сотилган фақат сотилган маҳсулотнинггина ишлаб чиқариш таннари акс этади. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари еса унинг учун кетган барча харажатларнинг қийматини ўзида ифодалайди. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари ҳам ҳисобга олиш усулида ушбу қаторга ўринлашади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 080-090-100 - сатрларида маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ўз ифодасини топади. Давр харажатлари қаторига сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар ва операцион харажатлар киради. Молиявий фаолият бўйича харажатлар қаторига фоизлар бўйича харажатлар, банк хизмат ҳақи харажатлари, валюта курсининг тушиб кетишидан йўқотишлар ва бошқа сарфлар киради.

Фавқулотда харажатлар қаторига кутилмаган ҳолатлар таъсирида юзага келадиган харажатлар киритилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот йил бўйича ҳар бир чоракка жамланган ҳисобда тузилади. Уни топшириш органларига солиқ идоралари, банк ташкилотлари, юқори ташкилотлар киритилади. Улчов қиймати минг сўм ҳисобида ҳисобга олинади. Шунингдек ушбу ҳисобот шаклига справка, маълумотнома шаклида бюджетга тўловлари ҳисоби ҳам киритилган. Унда корхона томонидан республика ва маҳаллий бюджетга тулайдиган солиқлар тўлови бўйича ҳисобга олинган ва тулангани

тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан олинган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харажатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.



4-чизма. Молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторлари¹⁴

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар қаторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан қоладиган даромадлари ва, мулкӣ муносабатлардаги иштирокидан олинadиган даромадлар, еркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятидан келиб чиқадиган турли харажатлар киритилади. Уларнинг корхона ҳисоб фойдасидаги салмоғи сўнги йилларда тобора ошиб бормоқда.

Фавқулотда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харажатлар қаторига корхонанинг асосий ва молиявий фаолиятидан ташқари, тасоддифий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва харажатлари киритилади. Уларнинг таркибига киритиладиган аниқ кўрсаткичлар янги Низомда ифода етилмаган. Фақат уларнинг фарқланишига таъриф берилган холос. Бу таъриф еса юқорида баён етилган еди. Яъни корхона

¹⁴ Манбаси: иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

учун яқин уч йиллик оралиғда одатий ҳол ёки фаолият тури ҳисобланмаган ҳолатлар оладиган дармадлари ёки йўқотишлар ушбу қаторга киритилади. Шунингдек тасоддий ҳолатлар ҳам.

Фавқулотда фойда ва зарарлар молиявий натижавийликнинг учинчи таркиб қатори ҳисобланади унинг қаторига бевосита тасоддий ҳолатлардан кўриладиган натижалар киритилади. Масалан сув тошқини ёки ер қимирлаши, ёнғин оқибатида, буронлар оқибатида ёки бошқа табиат ходисалари асосида руй берадиган йўқотишлар киритилади. Фавқулотда фойда ёки даромадалар қаторига киритилмаган ёки зарарлар қаторига киритилмаган аълоҳида моддалар маҳсулот иш ва хизматлар таннархига киритилмаган маҳсулот иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисидаги Низомда аниқ кўрсатилмаган. Уларнинг фақат битта шarti умумий Низомда белгиланган. Яъни яқин уч йиллик ораликда корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинадиган даромадлар ёки фойда суммаси корхона учун кутилмаган ҳолатлардан олинган даромадлар сирасига киритилади.

Кутилмаган ёки фавқулодда ҳолатлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг аълоҳида таркиб қатори сифатида белгиланган. Уларни корхонада режалаштириш амалга оширилмайди. Яъни фавқулотда даромад ва харажатлар режалаштирилмайдиган қаторга киритилади. Уларнинг ҳозирги пайтда корхоналар фаолият натижавийлигидаги салмоғи сезиларли таъсирга эга эмас. Корхона ҳисоб фойдаси ва унинг таркибига киритилмаган қаторлар тўғрисида юқорида кенгрок тўхталган эдик. Яъни корхона ҳисоб фойдаси асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган натижа, молиявий фаолиятдан натижа, фавқулотда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича корхонанинг ҳисоб фойдаси аниқланади. Корхона

ҳисоб фойдаси давлатнинг ва ахборот фойдаланувчиларнинг эътибор шартидаги асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Корхона ҳисоб фойдаси ёки солиқ тўловига қадар бўлган фойда (зарар) суммасидан фойда даромаддан солиқлар ва бошқа фойдадан солиқлар, тўловлар ва ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр бўйича соф фойда (зарар) суммаси аниқланади. Республика солиқ қонунчилигига мувофиқ барча хўжалик ҳисобидаги корхоналар даромад солиғи тўловчилар ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи бўйича доимий ва вақтинчалик имтиёзлар белгиланган.

Бошқа солиқли тўловлар қаторига республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим тур солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. Ягона солиқ тўловига ўтган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан қатъий ставкаларда ҳисобланади ва тўланади. Шуни қўшимча қилиш керакки, солиқ солишларидан сўнг корхонанинг соф фойдасидан дивидендлар тўланади, зарурат туғилган ҳолларда, захира фондига ажратмалар амалга оширилади. Бироқ бу ахборот ҳисоботнинг бошқа шаклда ўз капиталининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади, чунки ушбу моддалар корхона харажатлари ҳисобланмайди, балки фойданинг қандай сарфланаётганини кўрсатади. Қўшма корхоналар, аксиядорлик жамиятлари ва ҳоказоларини ташкил қилинишига бадаллар ҳам 2-сон шаклда харажатлар сифатида кўрсатилмайди, балки корхонанинг балансида инвестициялар сифатида ҳисобга олинади. Шунингдек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда узоқ муддатли активларга капитал қўйилмалар харажатлар сифатида ҳисобга олинмайди улар капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи бухгалтерия ҳисобварағида жамланади ва корхона балансида акс эттирилади. 1995 йилдан бошлаб корхоналарда махсус фондларининг

(ижтимоий ривожланиш фонди, моддий рағбатлантириш фонди ва ҳоказоларнинг) ташкил қилиниши назарда тутилмаган, бундай қўшма корхоналар, суғурта компаниялари ва аксиядорлик жамиятлари учун конун ҳужжатларига мувофиқ захира фондининг ташкил қилиниши мажбурийдир. Ўз айланма маблағларининг ўсиши корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан ёхуд хусусий капитали ёки қарзларининг ўсиши ҳисобидан ҳосил бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Янги таҳрири. 2007 йил 22 ноябрда тасдиқланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. 21.12.1995 йил тасдиқланган, 01.04.1996 йилдан кучга кирган.
4. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни 1996 йил 30 август.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонлари.

6. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони. 1995 йил 12 май, 2003 йил 4 июлдаги ўзгартиришлар билан.
7. Ўзбекистон Республикаси. Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 2005 йил 6 октябр.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини шакллантириш таркиби тўғрисида”ги Низоми. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 2000 йил 20 июлдаги 280-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги.2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

12. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”— Т.: Ўзбекистон, 2009.

13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон. 2010

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: Ўзбекистон. 2011.

15. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон. 2012 йил

16. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: Ўзбекистон. 2013 йил.

17. Каримов И.А. “2014-йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Т.: «Ўзбекистон» 2014 й. 64 бет.

V. Асосий ва қўшимча адабиётлар.

18. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS), Америка (GAAP) ва миллий (БХМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. – Т.: Молия, 2002.-456 б.

19. Ваҳобов А.В., Ибрагимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; “Шарқ”, 2005 й.-474 б.
20. Войтоловский Н.В. Экономический анализ: Основы теории. Комплексный анализ хозяйственной деятельности организации. Учебник.- М.: Высшее образование, 2006. 452 ст.
21. Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: NORMA, 2009.- 597б.
22. Гадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. NORMA, 2010.- 368 б.
23. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент NORMA. 2010.
24. Джамбакиева Г. Финансовый учет. Учебное пособие. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 348 б.
25. Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности: Учебник.-М.: Дело и Сервиз, 2008.
26. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.
27. Завалишина И.А. Бухучет по новому. –Т.: Мир экономики и права, 2004. 432 стр.
28. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-444 б
29. Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.- 592б.
30. Макарьева В.И. Анализ финансово-хозяйственной деятельности организации. Учебник.-М.: «Финансы и статистика», 2008.
31. Маматов З.Т.Аудит:муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.-Т.:ТМИ.2004.-348 б.
32. Маматов З.Т.,Норбеков Д.Э. Аудит:Ўқув қўлланма.- Т.:ТМИ, 2007.-137 б

33. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига шарҳлар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 528-б.
34. Ортиков Х.А. ва бош Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, «NORMA», 2010. — 368-б.
35. Очилов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004.- 256 б.
36. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. 252 б.
37. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Т.: «Меҳнат», 2004. – 416 б.
38. Сотволдиев А.С. Замоनावий бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Миллий Ассоциацияси, 2004, 429 б.
39. Сотволдиев А.С. Финансовый и управленческий учет. Учебник. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 й. – 280 б.
40. Сотиволдиев А.С. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 280 б.
41. Тулаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. Тошкент: NORMA, 2008 йил. 320 б.
42. Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В. Финансовый и управленческий анализ. Учебник.-Т.: «Иқтисод-молия», 2008. 352 с.
43. Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.-Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 324 б.
44. Ўразов Б., Воҳидов В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Т.: «ADIB NASHRIYOTI», 2011 й. – 494 б.
45. Қосимов Х. ва бошқалар.т Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами/. - Тошкент, 2010. - 320 б.
46. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 496 б.
47. Хамдамов Б.Қ. Аудит иқтисоди. -Т.: ТМИ, 2005. 172 б.

VI. Интернет сайтлари.

48. <http://www.gov.uz>. (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)
49. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
50. <http://www.ziynet.uz> (Ахборот таълим тармоғи)
51. <http://www.lex.uz> (Ўз. Респ. қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
52. <http://www.bem.uz> (БЭМ тренинг центр)